В 1933 г. выращиванием чая в Средней Азии занимался Всесоюзный научно-исследовательский институт чая, были созданы опытные участки в Узбекистане, Таджикистане и Туркменистане. Однако к 1934 году чайные растения погибли из-за несоблюдения почвенно-климатических условий.³⁵

В 1935 г. в городе Самарканде началось строительство чаеразвесочной фабрики, производственный которой был закончен только в 1938 году. В 1939 году был получен первый чаеупаковочный автомат. В 1942 г. в Самаркандскую чаеразвесочную фабрику было эвакуировано производство Московской чаеразвесочной фабрики, и производственные предприятия были объединены. Мощность существующей Самаркандской фабрики за счет привезенных механизмов увеличилась вдвое, и работала она на весь СССР³⁶.

Во время Второй мировой войны рацион питания ташкентского населения значительно обеднял, и чай дополнялся его суррогатами, в качестве чайной заварки использовали сушеные фрукты (яблоки)³⁷.

С 1947 года Научно-исследовательский институт плодовоовощеводства имени академика Р.Р.Шредера проводил исследования по выращиванию чайных растений в трех районах: Паркентском районе (Ташкентская область), горных лесах Аманкутон (Самаркандская область) и предгорьях реки Топаланг (Сурхандарьинская область).

Академия наук Узбекской ССР поставила задачу подобрать подходящие места для выращивания чайных растений, и сотрудники Института плодово-почвоведения им. Академика Р.Р. Шредера организовали специальную комплексную экспедицию. В 1950 году эта экспедиция провела разведку почв в двух горных районах Узбекской ССР, в бассейне реки Топаланг и в горах Аккурган Самаркандской области.

Опыты по выращиванию чая в Узбекистане в 1951-54 годах показали, что популяризация краснодарского и азербайджанского чаев дала положительные результаты, но выращивание грузинского чая не дало видимых результатов³⁸.

В 1970-1980 годы в Узбекистане индийский чай становится дефицитом³⁹.

Таким образом, в 20-е годы прошлого века в Ташкенте, Самарканде и Коканде существовали чайные фабрики, а в 1935-1938 годах была построена

³⁵ Қорабоев Ҳ. Ўзбекистонда чой. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК бирлашган нашриёти, 1968. – Б. 3.

³⁶ НА Уз, ф. Р-1970, оп. 4, д. 2023, л. 18.

³⁷ Зунунова Г.Ш. Материальная культура узбеков: трансформация традиций (XX – начало XXI в.). – Ташкент: «Extremum-press», 2013. – С. 228.

³⁸ Қорабоев Ҳ. Ўзбекистонда чой. – Т.: Ўзбекистон КП МК бирлашган нашриёти, 1968. – Б. 6.

³⁹ Зунунова Г.Ш. Материальная культура узбеков: трансформация традиций (XX – начало XXI в.). – Ташкент: «Extremum-press», 2013. – С. 228.

Самаркандская фабрика по упаковке чая, которая стала снабжать чаем все республики Центральной Азии.

Второй параграф, «*Перспективы развития чайной отрасли в независимом Узбекистане*», изучает чайную индустрию в Узбекистане в период независимости, характеризует усилия нашего правительства по выращиванию и производству чая.

В конце 1990-х годов все крупные промышленные предприятия и заводы Республики Узбекистан оказались в тяжелом положении. Экономический кризис, отсутствие чайного сырья, а иногда и отсутствие покупателей на готовую продукцию стали серьезной проблемой для предприятий чайной промышленности. Также, производственные технологии устарели, и необходимость их обновления возросла.

В 2005 г. был принят ряд документов по импорту чая в Узбекистан. В соответствии с Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан, начиная с 2005 года, ввоз в республику чайного сырья осуществлялся только юридическими лицами и индивидуальными предпринимателями без образования юридического лица, имеющими расфасовочные автоматы. Также, в них запрещалось с 1 апреля 2005 года реализация в розничной торговой сети чая в не расфасованном виде⁴⁰.

Сегодня в разы увеличилось чайное производство фасованного чая во всех регионах республики. «AMIR», «Toza», «Best Tea», «Alokazay», «Impra», «Lipton», «Тошкент чой», «Tudor», «Ahmad Tea» и др. востребованы на рынке Узбекистана.

В 2016 г. международная организация «Euromonitor International» изучила предпочтения в разных странах мира в потреблении чая и кофе, по данным организации, Узбекистан занимает первое место в списке стран (99,6%), предпочитающих чай другому популярному напитку – кофе⁴¹.

В 2018 г. было принято новое Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по организации производства чая и обеспечения населения качественным чаем и чайной продукцией отечественного производства», в нем обозначены такие вопросы, как дальнейшего увеличения объемов производства импортозамещающей продукции, сокращения объемов импортных поставок, совершенствования организации выращивания чая и производства чайной продукции, обеспечения населения качественным чаем и чайной продукцией отечественного производства⁴².

В частности, для организации выращивания чая был создан Научно-производственный центр по развитию производства чая, в форме общества с ограниченной ответственностью при участии научных учреждений,

⁴⁰ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по развитию Самаркандской чаеразвесочной фабрики» за №15 от 1 января 2005 года.

⁴¹ Tea or coffee? A map of the world according to who prefers which of each drink. [Сайт] URL:<https://www.euromonitor.com> (дата обращения 29.11.2020)

⁴² Постановление Кабинета Министров РУз «О мерах по организации производства чая и обеспечения населения качественным чаем и чайной продукцией отечественного производства» № 490 от 30 июня 2018 г.

фермерских хозяйств и предпринимателей. Центр был основан в 2018 году совместно с китайскими партнерами⁴³.

В Узбекистане сегодня сохранились специфические обычаи чаепития и этнолокальные аспекты, которые различаются по регионам. Например, «Келин кулидан чой ичиш», «Келин оши» или «Келин салом» – один из свадебных обрядов узбеков. В основном, он проходит после свадьбы. Молодожены вместе с другими родственниками собираются в доме жениха, чтобы поздравить молодых невесту и жениха и выпить чашку чая из рук невесты. Еще один интересный обычай узбеков заключается в том, что, встречая на улице знакомого или друга, они всегда говорят: «Чой ичамиз», «чойлашамиз», «бир пиёла чой ичинг», «чойга борайлик» и если у знакомого есть время, пьет чай или отвечает комплиментом «бошка сафар». Судя по всему, в прошлом с чаем ассоциировалось много ценностей, требующих отдельного чаепития.

Принимая во внимание национальные и исторические традиции узбекского народа, в 2018 г. в соответствии с утвержденным Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан, каждое первое воскресенье августа в республике отмечается как праздник чая⁴⁴.

Таким образом, XX-XXI веках характеризуются созданием собственной чайной индустрии в Узбекистане для обеспечения нашего народа местным чаем высокого качества.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В результате изучения чая и Чайного пути в истории народов Узбекистана, были сделаны следующие выводы:

1. Чай, появился в Китае в III тысячи лет до н.э., и в течение последующих тысячелетий распространился по всему миру и приобрёл статус национального напитка в ряде стран Азии и Европы. Первоначально чай использовался как ритуальное и лечебное средство. С III в. н.э. чай стал популярным средством от опьянения и его вредных последствий. В IV-V вв. китайцы стали кипятить чай в воде. При правлении императоров Танской династии он распространился в сопредельных странах (Тибет, Индия, Японии, Корея). После XVI века чай распространился по водному пути в Европу и Америку.

2. Чай проник в Центральную Азию по Чайному пути, начиная с I в. до н.э., когда согдийцы стали завозить его как лекарственное средство. Чайный путь, часть Великого шелкового пути, сыграл важную роль в распространении культуры чаепития в соседних странах, но с XVI века он развивался как независимый торговый путь, соединяющий Южную, Северную, Западную и Центральную Азию с Восточной Азией. В центре этого пути лежала Центральная Азия, в частности, Узбекистан. Чайные караваны проходили

⁴³ Choy yetishtirishni rivojlantirish ilmiy-ishlab chiqarish markazi [Сайт] URL:<https://bmb-tg.uz> (дата обращения 10.08.2020).

⁴⁴ Постановление Кабинета Министров РУз «О мерах по организации производства чая и обеспечения населения качественным чаем и чайной продукцией отечественного производства» № 490 от 30 июня 2018 г.

через Коканд, Ташкент, Самарканд, Бухару, Хиву и направлялись в Россию, Иран и Индию;

3. В исследовании была предложена нижеследующая периодизация Чайного пути:

– первый период (I в. до н.э. – VI в. н.э.) – появления первых межгосударственных маршрутов чайной торговли и проникновения чая в Центральной Азии;

– второй период (VII в. – IX в.) – активизация чайных торговых отношений на всем континенте Азии, в частности, в Тибете, Индии, Восточном Туркестане, Центральной Азии, Корее и Японии;

– третий период (X в. – начало XVI в.) – начало интенсивного развития чайной торговли Китая с Центральной Азией во время создания и развития крупных централизованных государств (Саманиды, Караханиды, Хорезмшахи, Монгольская империя, государства Темуридов);

– четвертый период (XVI – середина XIX вв.) – прекращения функционирования Великого шелкового пути и «второе рождение» Чайного пути, распространение морского Чайного пути в Европу и на Американский континент;

– пятый период – развитие чайной торговли, связывающей Китай, Россию и Индию, начало кризиса Чайного пути (середина XIX – начало XX вв.);

– шестой период – период – возникновение и развитие индустрии производства чая в Узбекистане в советский период и годы независимости.

4. В Центральную Азию чай завозился караванами из Китая вместе с другими товарами в средневековья. Его завозили довольно редко торговцы и послы и он не играл важную роль в быту народов Центральной Азии. В XIX в. на территории Центральной Азии было в употреблении 6 разных сортов чая, таких как: зеленый (кук), себет (чай в цибиках), фу (кирпичный чай), атбаш (цянг-лян; полыньчатый чай), черный (фамильный, байховый) и джайнок-чай (в цилиндрических цибиках). В связи с дороговизной чаев, местное население не могло их покупать, оно употребляло чайные суррогаты (токай-чай, таль-барк-чай, сарык-чай, кипек-чай, хашек-чай, чалма-чай, калампир-чай, караган чай, суда-чай, Кавказский брусничный лист, таш-чай, Той-типа чай, райхан-чай, Кутаисский чай).

5. Чайные рынки располагались на территории Узбекистана, в начале в центральных городах ханств: Хиве, Бухаре, Самарканде, Ташкенте. Коканде, и др. В связи со строительством Закаспийской железной дороги, изменились центры чайной торговли – Ташкент и Самарканд стали центрами оптовой чайной торговли. В XIX в. чай уже становится общегосударственным напитком и приобретает статус «национального напитка»;

6. С 1919 г. торговля чаем была объединена в «Главчай», подчиненный общероссийскому – Центрочаю. В 1920 г. в Центральном совете Народного Хозяйства (ЦСНХ) был организован Комитет по управлению Чайной промышленностью в Туркестанской Республике – «Туркчай», который отвечал за развитие, регулирование и общее управление всеми делами чайной промышленности. После создания Узбекской ССР, «Туркчай» был переименован в «Чаеуправления». В 1935-1938 гг. была построена

Самаркандская чаеразвесочная фабрика и она стала обеспечивать всю Центральную Азию качественным товаром. Только в 1939 году был получен первый чаеупаковочный автомат, до этого на фабрике все работали вручную. В годы Второй мировой войны в Самарканд была эвакуирована Московская чаеразвесочная фабрика. Самаркандская чаеразвесочная фабрика начала работать с двойными мощностями и обеспечивать весь СССР зеленым и черным чаем. Опыты по выращиванию чайных растений и выращиванию чая в 1951-1954 годах показали, что популяризация краснодарского и азербайджанского чая дала положительные результаты, но выращивание грузинского чая не дало особых результатов. Практически до 1991 г. Самаркандская чаеразвесочная фабрика оставалась единственной в Центральной Азии и обеспечивала все пять республик бывшего СССР различными сортами чая;

7. В годы независимости руководство Республики Узбекистан предпринимало конкретные практические шаги по диверсификации чайного производства, в частности установке нового технологического оборудования, привлечению инвестиций и торговых партнёров. В четырех областях (Ташкентской, Джизакской, Навоийской, Сурхандарьинской) нашей страны стали культивировать чай и в перспективе, начиная с 2025 года национальный узбекский чай будет экспортироваться за рубеж.

На основе выводов исследования разработаны следующие **предложения и рекомендации**:

1. Министерству культуры, Министерству туризма и спорта Республики Узбекистан необходимо проводить целенаправленную работу по популяризации и сохранению этнокультурных традиций узбекского чаепития, в частности, посредством организации Международного фестиваля «Чайный путь в Азии: история и перспективы брендинга в туризме»;

2. Академии наук Республики Узбекистан, совместно с ЮНЕСКО, ШОС, Советом союза Тюркских государств инициировать научный проект по изучению маршрутов Чайного пути на Евразийском пространстве с целью создания научной монографии «Чай и Чайный путь в жизни народов Евразии» и 3Д карты Чайного пути;

3. При поддержке ЮНЕСКО провести Международную конференцию и издать сборник научных материалов об истории, культуре, архитектурных особенностях, этнографическом значении чайхан – «Чайханы Центральной Азии, Афганистана, Ирана, Туркменистана, России, Азербайджана»;

4. Музею истории Узбекистана, краеведческим музеям разработать постоянные и передвижные (для демонстрации за рубежом) выставки «История узбекского чая» и «Культура узбекского чаепития»;

5. Исходя из многовековой истории чая и учитывая его значение в социальной, бытовой и культурной жизни народов Узбекистана рекомендовать ТВ каналу «O'zbekistin tarixi» снять цикл передач, посвященных истории чая, Чайному пути, чайным церемониям.

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТОВА МАҲФУЗА БАҲРИДДИНОВНА

ЧОЙ ВА ЧОЙ ЙЎЛИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИДА

07.00.01-Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида № В 2018.3. PhD/ Таг. 318 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.qarshidu.uz) va Ziyonet Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кобзева Олга Петровна
тарих фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор

Хушваков Наби Олимович
тарих фанлари номзоди


Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2021.Таг.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "17" 11 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (68 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56).

Диссертация автореферати 2021 йил " 5 " 11 кун тарқатилди
(2021 йил 5.11. даги 68 рақамли реестр баённомаси).



Б.Ж. Эшов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Н. Ражабова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

Ю.А. Эргашева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси
т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги глобаллашув даврида Чой савдо йўли турли халқлар, мамлакатлар ва маданиятларнинг бирлашишига катта ҳисса қўшмоқда. Чойнинг дунёдаги муҳим маданий ва иқтисодий аҳамиятини англаган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 2019 йилда 21 майни – “Халқаро чой куни”¹ деб эълон қилдики, чой қишлоқлар тараққиётида, қашшоқликни бартараф этишда ва ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда энг муҳим экинлардан бири ҳисобланмоқда. Чой ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш ўта қашшоқликни камайтиришга, очликка қарши курашда, аёллар ваколатларини кенгайтиришга (айнан улар чой баргларининг асосий терувчиларидир) ва қуруқликдаги экотизимлардан оқилона фойдаланиш каби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишига ҳисса қўшмоқда.

Дунё бўйлаб “Чой йўли”га бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, кўплаб илмий муассасалар ва ташкилотлар чойнинг тарихи, Чой йўли, чой савдоси, унинг биологик ва кимёвий хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, чойни ҳар томонлама тадқиқ этилиши унинг барги ва уруғларидан тиббиётда, косметикада ва соғлиқни сақлаш маҳсулотлари учун қўллашга доир истиқболли тадқиқотлар олиб боришга имкон яратмоқда.

Ўзбекистонда “Чой йўли” узоқ вақт Буюк ипак йўли таркибида фаолият юритиб, чой ичиш ўзбек халқининг маданиятига катта таъсир кўрсатиб, чой миллий ичимликка айланмоқда. “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида Буюк ипак йўлини қайта тиклаш режаларини амалга ошириш бўйича фаол иши “иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо ва инвестиция соҳаларида қулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутди”². Чойнинг тарқалиш тарихи, чой савдоси, Чой йўли, унинг даврийлиги, унинг йўналишларини аниқлаш ва турли халқларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига таъсири масалалари алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 1 январдаги 15-сон “Самарқанд чой қадоклаш заводини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2007 йил 11 январдаги 11-сон “Республика аҳолисини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қадокланган сифатли чой билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 3 июндаги 490-сон “Чой ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳолини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган

¹ 2019 йил 19 декабрда Бош Ассамблея қабул қилган Резолюцияси. Етмиш тўртинчи сессия, кун тартибидаги 24-пункт. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш. [Сайт] A/RES/74/241 URL:<https://www.un.org> (мурожаат қилинган сана: 29.11.2020).

² Мирзиёев Ш.М. Ўзаро ишонч ва мустақкам дўстликка асосланган ҳамкорликнинг юксак натижалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Бир макон, бир йўл” халқаро форумдаги маърузаси. [Сайт] //URL:<http://www.uza.uz>. (мурожаат қилинган сана: 12.07.2021).

юқори сифатли чой маҳсулотлари билан таъминлашга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чой йўли тарихи бўйича барча илмий адабиётлар ва тадқиқотлар, ўрганилаётган даврга мувофиқ куйидаги гуруҳларга бўлинди:

1. Россия империяси даврида олиб борилган тадқиқотлар.
2. Совет даврида нашр этилган асарлар.
3. Мустақиллик даври илмий тадқиқотлари.
4. Хорижлик муаллифларнинг илмий асарлари.

Россия империяси ҳукмронлиги давридаги манба ва асарларда Марказий Осиёнинг учта хонлиги ўртасидаги савдо-сотик, шу жумладан чой савдоси тавсифланган. Бу давр асарларида мазкур хонликлар билан Хитой, Россия, Эрон, Ҳиндистон каби кўшни давлатлар билан савдо алоқалари ҳақида сўз борган. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу асарлардаги чой савдоси тўғрисидаги маълумотлар кўпроқ публицистик, илмий-оммабоп мазмунга эга.

Ушбу гуруҳга XIX-XX асрларда Марказий Осиёга ташриф буюрган саёҳатчилар, савдогарлар ва элчиларнинг эслатмалари, кундаликлари ва асарлари киради³. Шунини таъкидлаш лозимки, эслатмалар ва саёҳат кундаликларида чой ҳақидаги маълумотлар фақат билвосита тавсиф этилган.

Шунингдек, ушбу гуруҳнинг бир қатор олимларнинг асарларида Марказий Осиё халқларининг чой истеъмоли ва савдоси билан қисман боғлиқ бўлган савдо муносабатлари ҳақида қисқача тарихий шарҳ беришга ҳаракат қилинган⁴.

³ Подробное описание путешествия голштинского посольства в Московию и Персию в 1633, 1636 и 1639 годах, составленное секретарем посольства Адамом Олеарием / Пер. П. Барсова. – М.: Изд. Импер. об-ва. истории и древностей. российских при Моск. ун-те, 1870. – 1174 с.; Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: «Наука», 1975. – 182 с.; Burnes A. Travels into Bokhara. Vol. 1. – London.: John Murray, 1834. – 356 p.; Burnes A. Travels into Bokhara. Vol. 3. – London.: John Murray, 1839. – 473 p.; Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб.: тип. Императорской Академии наук, 1843. – 279 с.; Записка И.В.Виткевича. //Записки о Бухарском ханстве (отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). – М.: «Наука», 1983. – 149 с.; Небольсин П. Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарией и Коканом (состороны Оренбургской линии). – СПб., 1856. – 375 с.; Валиханов Ч.Ч. Сочинения. Под. ред. Н.И.Веселовского. – СПб: тип. Главного управления уделов, 1904. – 532 с.; Вамбери А. Очерки Средней Азии. – С.П.: Типография А.И.Мамонтова и К⁰, 1868. – С. 363; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Изд. А.И.Мамонтова, 1874. – 383 с.

⁴ Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен и до настоящего. – С.П.: Типография бр. Пантелеевых, 1877. – 364 с.; Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухаре в 1878-1879 гг. Т.1. – С.П.: Тип. дир-ра М.А.Хана, 1882. Т.1. – 383 с.; Субботин А.П. Чай и чайная торговля в России и других государствах. – СПб.: Изд. А.К.Кузнецова, 1892. – 722 с.; Марков Е.Л. Россия в Средней Азии. Т. 1. – С.П.: Тип. М.М.Стасюлевича, 1901. – 517 с.; Абаза К.К. Завоевание Туркестана. – С.П.: Типография М.М.Стасюлевича, 1902. – 312 с.; Гейер И.И. Путеводитель по Туркестану. – Ташкент: Типо-литография В.М.Ильина, 1901. – 255 с.; Гейер И.И. Весь Русский Туркестан. – Ташкент: Изд. Канопа, 1908. – 308 с.; Вульфсон Э.С. Как живут сарты. – М.: Изд. книгоиздательницы

Совет даврида амалга оширилган тадқиқотлар ва илмий асарлар бой далилий маълумотларга эга бўлиб, ҳозирги кунгача тарихий қийматини йўқотмаган. Уларда Марказий Осиёнинг ўрта асрлардаги тарихи ҳамда кўшни давлатлар билан савдо алоқалари масалалари ўрганилган, шунингдек, чой савдоси ҳақидаги маълумотлар мавжуд⁵.

Бу даврда Марказий Осиё халқларининг таомлари ва ичимликларини ўрганадиган бир қатор этнографик тадқиқотлар нашр этилиб, шунингдек, чойнинг турли хил турлари ва навлари, чой ичиш анъаналари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган⁶.

Марказий Осиёда чой тарихи тўғрисидаги қимматли маълумотлар Е.М.Пешчерованинг монографиясида берилган бўлиб, унда турли манбалар ва этнографик маълумотларни солиштириб, Марказий Осиёда чойнинг тарқалиш даврини аниқлашга ҳаракат қилинган. Ушбу асарни худудимизнинг чой тарихини ёритган муҳим илмий асар сифатида ҳисоблаш мумкин⁷.

Мустақиллик йилларида нашр қилинган айрим тадқиқотларда Чой йўли Буюк ипак йўлининг бир қисми сифатида тилга олинади⁸. Бир қатор олимлар ўрта асрлар савдо йўллари тадқиқ этганда чой тарихига ҳам тўхталиб ўтилади⁹.

Панафидиной, 1908. – 122 с.; Гаврилов М. Рисоля сартовских ремесленников. – Ташкент: Тип. при канц. ген.-губернат., 1912. – 59 с.; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. – Ташкент: типо-лет. А.О.Перцева, 1912. – 520 с.

⁵ Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. – Л.: изд. Гос. пуб. библиотеки, 1940. – 290 с.; Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. (XVI-середина XIX в.). – М.: Изд. Восточной литературы, 1958. – 247 с.; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: АН Узбекской ССР, 1957. – 149 с.; Сухарева О.А. Бухара XIX – начало XX в. (Позднефеодальный город и его населения). – М.: «Наука», 1966. – 166 с.; Вилков О.Н. Ремесло и торговля в Западной Сибири в XVII веке. – М.: «Наука», 1967. – 324 с.; Мартынов А.С. О некоторых особенностях торговли чаем и лошадьми в эпоху Мин. // Китай и соседи в древности и средневековье. – М.: ГРВЛ, 1970. – С. 234-250; Зияев Х. Экономические связи с Средней Азией с Сибирью в XVI- XIX вв. – Ташкент: «Фан», 1983. – 168 с.; Буриев О., Колганов А. Об одном участке Великого шелкового пути. // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. – Ташкент: «Фан», 1990. – 106-116 с.

⁶ Шаниязов К. Узбеки-карлуки (Историко-этнографический очерк). – Ташкент: Наука Узбекской ССР, 1964. – 193 с.; Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа (историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента). – Ташкент: «Фан», 1974. – 340 с.; Хамиджанова М.А. Пицца // Материальная культура таджиков верховьев Зеравшана. Душанбе: Дониш, 1973. – 298 с.; Люшкевич Ф.Л. Некоторые особенности пицци у оседлого населения Бухарской и Кашка-Дарьинской областей // Новое в этнографических и антропологических исследованиях: Итоги полевых работ Института этнографии АН СССР в 1972 году. – М., 1974. – С. 90-97; Ершов Н. Пицца // Таджики Каратегина и Дарваза. Вып. 3. – Душанбе, 1976. – 239 с.; Жуковская Н.Л. Пицца кочевников Центральной Азии (к вопросу об экологических основах формирования модели питания) // N 5. – СЭ., 1979. – С. 64-98; Губаева С.С. Горные таджики Каратегина в Ферганской долине (конец XIX- начало XX в.) // N 1. – СЭ., 1987. – С. 84-96.

⁷ Пешчерова Е.М. Гончарное производство Средней Азии. – М., Л.: Изд. Академии наук СССР, 1959. – 396 с.

⁸ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2007 – 279 с.; Ходжаев А. Великий шелковый путь: связи и судьбы. – Ташкент: Изд. «Наврўз», 2018. – 453 с.; Кобзева О.П., Закирова М. Шелковый путь в потоке истории. – Ташкент, 2007. – 283 с.; Кобзева О.П. Великий шелковый путь: анализ проблем изучения и перспектив возрождения.: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. – Ташкент: ИИ АНРУз, 2010. – 46 с.; Кобзева О.П. Великий шелковый путь: анализ проблем изучения и перспектив возрождения.: Дис. ... докт. ист. наук. – Ташкент: ИИ АНРУз, 2010. – 383 с.

⁹ Ретвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь. Энциклопедический справочник. – Ташкент, 1999. – 280 с.; Мавланов У. Коммуникации и торговые пути в Средней Азии: формирование и этапы развития.: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. – Ташкент: ИИ АНРУз, 2009. – 46 с.; Мавонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Тошкент: «Фан», 2016. – 440 с.

Марказий Осиёнинг Хитой билан савдо ва маданий алоқалари масалалари, ўрта асрлар даври чой савдоси тарихи Н.Э.Каримова, Ш.Кўлдошевларнинг¹⁰ илмий мақола ва диссертацияларида ўз аксини топган.

Бу даврдаги этнографик асар ва эсселарда¹¹ чой билан боғлиқ ўзбек халқининг этнографияси, турмуш тарзи ва меҳмондўстлиги, шунингдек, чойхоналардаги чой ичиш маданияти баён этилган.

Шарқнинг чой ва чой маросимлари тарихи бўйича хорижий илмий тадқиқотлар Хитой, Япония, Жанубий Корея¹², Россия¹³, Европа Иттифоқи ва АҚШ¹⁴ олимларининг тадқиқотларини ўз ичига олади ҳамда Марказий Осиё халқаро чой савдоси масалалари¹⁵ ёритилган.

Чой йўлини даврлаштириш масалалари бир қатор хорижий тадқиқотчиларнинг ишларида кўриб чиқилган¹⁶. Аммо улар фақат Хитой худуди чегаралари билан чекланган ёки фақат янги ва энг янги тарих даври доирасида чой савдосини ўрганган.

Юқоридаги кўп сонли тадқиқотларда чой тарихи маълумот сифатида акс эттирилган ва Чой йўли тарихи, унинг даврлаштирилиши, чой савдоси, чойхоналар тарихи, ўзбек чой ичиш маданияти каби масалаларни тадқиқ этишга эътибор қаратилмаганини таъкидлаш лозим.

¹⁰ Каримова Н.Э. Взаимоотношения Центральной Азии и Китая в XIV-XVII вв. (по материалам китайских источников).: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. – Ташкент: Изд-во Таш ГИВ, 2006. – 50 с.; Каримова Н.Э., Тулибаева Ж.М. Китайские и тимуридские источники о взаимоотношениях Китая и Центральной Азии в конце XIV – первой четверти XV в. // Вопросы истории. – 2019. – № 7. – С. 64-79; .Т.Kuldashev Sh. The Chinese tea trade in Central Asia in 18th and 19th centuries. // Academic seminar «One belt, one road and opening Shanxi to the Outside World». Dating, 21-22 June 2019. – P. 459-463.

¹¹ Буриев О. ва бошқалар. Ўзбек халқи боқий қадриятлари (этнотарихий лавҳалар). – Қарши, “Насаф”, 2005. – 195 б.; Жабборов И. Ўзбеклар (анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). – Тошкент: «Шарқ», 2008. – 240 б.; Махмудов К. Чойнома. – Тошкент: «Камалак», 1993. – 48 б.

¹² Saguchi T. The Trade of the Khokand khanate. Charter VI. Memories of the Research department of the Toyo Bunko (The oriental library) № 24. – Токуо, 1965 – 88 р.; Ван Лин. Китайское искусство чаепития. Пер. Л.А.Калашникова. – М.: «Центрополиграф», 2003. – 240 с.; Pan Chjipin. Kokon davlati va G'arbiy yurt siyosati. – Beijing, 2006.

¹³ Похлебкин В.В. Чай и водка в истории России.- Красноярск; Новосибирск, 1995. – 464 с.; Семёнов В. Чайные рецепты и чайные секреты. – М.: «Олма-Пресс», 2002. – 350 с.; Виноградский Б. Путь чая. – М.: “Гурмитаж-Пресс”, 2004. – 103 с.; Позняковский В.М., Резниченко И.Ю., Попов А.М. Экспертиза пищевых концентратов качество и безопасность. – Саратов: Издат. «Вузовскоеобразование», 2014. – 224 с.

¹⁴ William H.Ukers. All about tea.Volume 1. – NY: The tea and coffee trade journal company, 1935. – 1127 с.; William H.Ukers. All about tea.Vol. 2. – NY: The tea and coffee trade journal company, 1935. – 568 с.; Evans John C. Tea in China: the history of China’s national drink. – USA: Greenwood Press, 1992. – 184 с.; Валери Хансен. Великий шелковый путь. – М.: «Центрополиграф», 2014. – 475 с.

¹⁵ Абашин С.Н. Чай в Средней Азии: история напитка в XVIII-XIX веках /// Традиционная пища как выражение этнического самосознания. – М.: «Наука», 2001. – С. 204-230; Дмитриев С.В. Китайский и индийский чай в Средней Азии последней трети XX века (по архивным материалам). // Проблемы общей и региональной этнографии (к 75-летию А.М.Решетова): Сб.статей. – СПб., 2007. – С. 281-286; Соколов И.А. Чай и чайная торговля в Российской империи в XIX- начале XX вв.: Дисс. ... канд. ист. наук. – М., 2010. – 393 с; Соколов И.А. Путь чая: статистика, направления поставок, контрабанда чая с привкусом кофе. // «Кофе и чай». – №5, 2013. – С. 32-36.

¹⁶ Виноградский Б. Путь чая. – М.: «Гурмитаж-Пресс», 2004 – С. 13; Кожухарь А.И. Периодизация русско-китайской чайной торговли (XVII-XIX вв.) // Исторические, философические, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота, 2011. №8(14): в 4-хч.Ч. II. – С. 115-117; William H.Ukers. All about tea.Volume 1. – NY: The tea and coffee trade journal company, 1935; William H.Ukers. All about tea.Vol. 2. – NY: The tea and coffee trade journal company, 1935; Evans John C. Tea in China: the history of China’s national drink. – USA: Greenwood Press, 1992.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-56-10/37 – “Маданий мерос – олий қадрият” (2018-2019 йй.) номли инновацион лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон халқлари тарихида чой ва Чой йўлини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чой ва Чой йўли тарихини даврлаштирилишини ишлаб чиққан ҳолда тадқиқ этиш;

Чой йўлини Буюк ипак йўлининг бир қисми сифатида ўрганиш, XVI асрдан кейин унинг географиясини энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва маданий йўл сифатида кўрсатиш;

Чой йўлининг Ўзбекистон халқлари тарихидаги ролини тасвирлаш, Марказий Осиё чой бозорлари фаолиятини очиб бериш;

чойнинг Ўзбекистон ҳудудида тарқалиши ва миллий ичимлик сифатида шаклланиш даврини аниқлаш;

XX аср чой корхоналари фаолиятининг бошланишини тавсифлаш ва уларнинг савдо айланмаси динамикасини кўрсатиш;

мустақиллик йилларида чой саноатининг ривожланиши ва истиқболларини очиб бериш;

Чой йўлининг маршрутларини қайта тиклаш ва улардан туризмда фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда чой ва Чой йўли тарихи ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон халқлари тарихида Чой йўлининг ривожланиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий ва қиёсий таҳлил, муаммовий-хронологик, объективлик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Чой йўли Евроосиё материкида иқтисодиётнинг ривожланиши ва турли халқлар маданиятларининг яқинлашувида муҳим савдо йўли бўлганлиги, Чой йўли тарихи (мил. авв. I асрдан – мил. XXI асрлар) даврлаштирилиб (олтита даврдан иборат), унда чойни дори сифатида биринчи сўғд савдогарлари Марказий Осиёга келтирганлиги асосланган;

Чой йўли дастлаб Буюк Ипак йўлининг бир қисми бўлганлиги, XVI асрдан бошлаб Жанубий, Шимолий, Ғарбий, Марказий Осиёни Шарқий Осиё билан боғлайдиган мустақил савдо йўлига айланганлиги, унда чой савдосидаги воситачилик марказлари ўзбек хонликлари шаҳарлари Кўкон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива бўлганлиги, улар орқали чой “карвонлари”нинг Россия, Эрон ва Ҳиндистонга йўл олганлиги, XVII-XIX асрларда Ўзбекистон ҳудудида чойнинг 6 хил навлари, шунингдек, чой суррогатлари истеъмол

килинганлиги, Каспийорти темир йўлининг қурилиши натижасида чой улгуржи савдо марказларининг Хива, Бухоро, Қўқондан Тошкент ва Самарқандга кўчирилганлиги, ушбу шаҳарларда чой саноатининг ривожланиши биринчи фабрикаларнинг (“Воган”, “Поповлар”) пайдо бўлиши билан далилланган;

Совет даврида “Бошчой”, “Туркчой”, “Чой бошқармаси” ташкилотларининг тузилганлиги, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасининг қурилиши (1938 й.) Марказий Осиёда чой саноати ривожланишига ҳисса қўшганлиги, Иккинчи жаҳон уруши даврида Самарқандга Москва чой фабрикасининг эвакуация қилинганлиги, бир неча ой ичида ишга туширилганлиги ва бутун собиқ СССРнинг чойга бўлган эҳтиёжини қондиришда 13 баробар кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаганлиги исботланган;

мустақиллик йилларида чой ишлаб чиқаришни такомиллаштирилиши чой импортини қисқартириш, миллий чой маҳсулоти билан таъминлаш, ўзбек чойи экспортини йўлга қўйиш мақсадида республиканинг Тошкент, Жиззах, Навоий, Сурхондарё вилоятларида чой экишни ташкиллаштирилганлиги, чой инқирози натижасида маҳаллий фабрикаларнинг кўпайиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Чой йўлининг шаклланиши ва ривожланишини ақс эттирувчи, Шимолий, Жанубий ва Марказий Осиё йўналишларини кўрсатувчи харита ишлаб чиқилган;

архив материаллари ва илмий адабиётлар, шунингдек, Ўзбекистон тарихи музейи, Шахрисабз давлат музей-қўриқхонаси, Қашқадарё вилоят давлат тарихий-маданий музейи экспонатларини ўрганиш асосида қумфон, чойдиш (чойидиш), самоварлар, чойнак ва пиёлаларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши даври тадқиқ этилиб, янги маълумотлар илк муомалага киритилган;

мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳлар учун Марказий Осиёнинг чой тарихи ва чой ичиш маданияти ҳақидаги маълумотларни, Шарқий Осиёдан Марказий Осиёгача бўлган шаҳар йўллари ақс эттирувчи Чой йўли харитасини ўз ичига олган “The Tea Road” буклети тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳозирги Ўзбекистон тарихи фанида эътироф этилган ёндашув ва усуларнинг қўлланилганлиги, тарихий манбалар, архив материаллари, илмий адабиётлар, шунингдек, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ҳамда жорий архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланганлиги, тегишли ташкилотлар томонидан амалий аҳамиятга эга бўлган хулоса ва таклиф-тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўпланган маълумотлар, хулосалар, назарий умумлаштирмалар Ўзбекистонда чой тарихига оид тадқиқот усуллари ҳамда Чой йўли тарихига доир маълумотларни бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Туризм ва спорт, Маданият вазириликлари учун янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистоннинг анъанавий тарихий меросини оммалаштириш билан боғлиқ таҳлилий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, олий ўқув юртларида дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва монографияларни такомиллаштириш имконияти билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чой ва Чой йўли Ўзбекистон халқлари тарихидаги ўрнига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва тақлифлар асосида:

Чой йўли дастлаб Буюк Ипак йўлининг бир қисми бўлганлиги, XVI асрдан бошлаб Жанубий, Шимолий, Ғарбий, Марказий Осиёни Шарқий Осиё билан боғлайдиган мустақил савдо йўлига айланганлиги, унда ўзбек хонликлари шаҳарлари чой савдосидаги воситачилик марказлари бўлганлигига оид натижалардан Ўзбекистон Гастрономик туризм ассоциацияси билан ҳамкорликда “The Tea Road” харитаси билан буклет тайёрлашда кенг қўлланилган (Ўзбекистон Гастрономик туризми ассоциациясининг 2021 йил 21 апрелдаги 87-сон маълумотномаси). Бу буклет gastrotourism.uz сайтини оммалаштиришга хизмат қилиб, Ўзбекистон гастрономик йўналишларига ташриф буюрган сайёҳлар учун хизмат қилган;

Совет даврида ташкил этилган чой ташкилотларига оид натижалардан 2018-2019 йилларда яқунланган И-56-10/37 “Маданий мерос – энг олий қадрият” давлат грантида ишлатилган (Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилоят муассасасининг 2021 йил 17 майдаги 31-сон маълумотномаси). Натижаларни қўллаш чой фабрикалари фаолияти ҳақидаги янги ва қизиқарли маълумотларни ажратиб кўрсатиш имкониятини яратган;

Марказий Осиёда чойни дори сифатида биринчи сўғд савдогарлари келтирганлиги, Чой йўлининг Евроосиё қитъасида иқтисодийнинг ривожланишида ва турли халқлар маданиятининг яқинлашувида муҳим ўрин тутган савдо йўли бўлганлигига оид натижалардан “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК қошидаги “O‘zbekiston tarixi” телеканалда эфирга узатилган “Hayrli kun” дастурининг “Чойнинг қадим тарихи, суғдларда чой савдоси ва чой туризмнинг ривожланиши” мавзусидаги кўрсатувда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпаниясининг ДУК қошидаги “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2020 йил 4 мартдаги 01-14-462-сон маълумотномаси). Бу томошабинларга чой тарихи, унинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти, ўзбек чойхоналари тарихи тўғрисида қизиқарли маълумотларни билиб олишларига имконият берган;

мустақиллик йилларида Ўзбекистонда чой ишлаб чиқаришнинг такомиллаштириши бўйича олинган хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК қошидаги “O‘zbekiston tarixi” телеканалда “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини тузиш ва тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК қошидаги “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2021 йил

16 февралдаги 02-10-226-сон маълумотномаси). Нотижада “Чой йўли” туризми бренди остида кенг йўлга қўйиш лозимлиги, шунингдек, Ўзбекистонда гастрономик туризм турларидан бири сифатида чой туризмини ривожлантириш бўйича амалий таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари 8 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтгазилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 1 монография ҳамда 22 та илмий иш чоп этилган. Улардан Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган 8 та илмий мақола, шу жумладан, 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертацияни ташкилий қисми кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, тадқиқот қисми жами 154 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда ўрганиш объекти ва предмети аниқланган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чой йўли ва унинг тарихини даврлаштириш”** деб номланган биринчи бобида асосий эътибор чойнинг ва чой маросимларининг пайдо бўлиш тарихи, Чой йўли ва унинг тарихини даврлаштириш масалаларига қаратилган.

“Чойнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши тарихи” номли биринчи параграфда чой маросимлари тарихини ўрганилиб, чой ҳақидаги афсона ва ривоятларнинг келиб чиқиш географиясига қараб учта гуруҳга бўлиш мумкин: хитой, япон ва ҳинд. Шунинг таъкидлаш керакки, хитой афсоналари бошқа ривоятлар учун асос бўлиб хизмат қилган.

Чой биринчи марта мил. ав. III мингйилликда Хитойда пайдо бўлган ва дастлаб диний маросимларда ҳамда дори сифатида ишлатилган¹⁷. Цин Ши Хуанди даврида (мил. ав. III аср) чой “хаёт ичимлиги”га айланади¹⁸. Чойни ташиш ва сотишни осонлаштириш учун пирог ва нон шаклида жойлаштирилган¹⁹. Мил. ав. I асрда чой Марказий Осиёга дори сифатида олиб келинган. Милодий III асрдан бошлаб чой мастлик ва унинг зарарли таъсирини

¹⁷ Кобзева О., Закирова М. Шелковый путь в потоке истории. – Ташкент, 2007. – С. 200.

¹⁸ Evans John C. Tea in China: the history of China’s national drink. – USA: Greenwood Press, 1992. – P. 24.

¹⁹ Evans John C. Tea in China: the history of China’s national drink. – USA: Greenwood Press, 1992. – P. 24.

даволашнинг машхур воситасига айланди²⁰. IV-V асрларда хитойликлар чойни қайноқ сувда қайнатишни бошладилар²¹. Тан сулоласи даврида (618-906) Хитой Буюк ипак йўли бўйлаб фаол чой савдоси билан шуғулланишни бошлади, шунинг учун Ҳиндистон, Япония, Корея аҳолиси чой мавжудлиги тўғрисида биринчи марта хабар топадилар.

Араб адабиётида чой ҳақида биринчи эслатма савдогар Сулаймон (XI аср) ҳикояларида учрайди, шунингдек, Марказий Осиёнинг машхур олимлари Абу Райхон Беруний²² (973-1048) ва Абу Али ибн Сино (980-1037) чойнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган.

XVI аср Буюк географик кашфиётлар даври бўлиб, европаликлар Шарққа борадиган сув йўллари кешф этидилар. Португалияликлар 1516 йилдаёқ биринчи марта Хитойга келишган ва шу вақтдан бошлаб денгиз йўли орқали Европа билан чой савдоси очилган. Францияда 1636 йилдан бошлаб чой тарқалган ва у Россияга 1638 йилда олиб келинган. Инглизлар чой ҳақида 1650 йилда билиб олдилар. XIX асрнинг 20-йилларидан бошлаб чой нафақат Осиё, балки Европа мамлакатларида ҳам етиштирила бошланган.

Шундай қилиб, чой мил. авв. III мингйилликда Хитойда пайдо бўлган ва кейинги минг йиллар давомида бутун дунёга тарқалиб, Осиё ва Европанинг бир қатор мамлакатларида миллий ичимлик мақомини олган

Иккинчи параграфда, *“Чой йўли тарихини даврлаштириши”*, чой ташилган савдо йўллари тизимини Чой йўли деб аташ мумкинлиги қайд этилган.

Сўғдлар Марказий Осиёда биринчи чой сотувчилар бўлиб, уларнинг Шарқий Туркистон ва Хитойда бўлганлиги кўплаб ёзма ва эпиграфик манбаларда қайд этилган. Сўғдларнинг Чоч, Фарғона ва Еттисув орқали Шарққа ҳаракатининг бошланиши мил. ав. I асрга тўғри келади²³. Бу маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, Чой йўли мил. ав. I асрда бошланган ва сўғдлар биринчи чой савдогарлари бўлган.

Қадим замонлардан бери Чой йўлининг турли йўналишлари мавжуд бўлган. Улардан бири Чой-от йўли – “Чамагудао” (“Қадимги чой йўли”) VII асрдан бошлаб Хитойни Тибет билан боғлаган ҳамда “Буюк чой йўли” (XVIII-XIX асрлар) Хитойни Россия билан боғловчи йўл бўлган.

Чой йўлини ўрганишнинг асосий муҳим томони унинг тарихини даврлаштиришни ишлаб чиқишидир. Мавжуд ёзма ва археологик манбалар, илмий адабиётлар, шунингдек, сўнгги илмий тадқиқотларга асосланиб, хорижий олимлар томонидан таклиф қилинган Чой йўли тарихини даврлаштиришни

²⁰ Blofeld J. L'art chiniois du the, trans. Herbert J. – Paris: Dervy-Livres, 1986. – P. 26; Evans John C. Tea in China: the history of China's national drink. – USA: Greenwood Press, 1992. – P. 32.

²¹ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007. – Б. 187.

²² Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Том IV. Фармакогнозия в медицине (Китаб ас-сайдана фи-т-тиб). – Ташкент: «Фан», 1973. – С. 336-337.

²³ Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. – Ташкент, 1999. – С. 105-106.

танқидий баҳолаб, биз “Чой йўли”нинг қуйидаги даврлаштиришни таклиф қилишимиз мумкин:

I давр – чой савдосининг биринчи давлатлараро йўлларнинг пайдо бўлиши ва Марказий Осиёда чойнинг тарқалиши билан тавсифланади (мил.ав. I аср – мил. VI аср);

II давр – Осиё қитъасида, хусусан, Тибет, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Марказий Осиё, Корея ва Японияда фаол чой савдоси алоқаларининг тикланиши (VII-IX асрлар);

III давр – X-XVI аср бошлари асрларда йирик марказлашган давлатларнинг яратилиши ва ривожланиши даврида Хитойнинг Марказий Осиё билан чой савдосини жадал ривожлантириш даврининг бошланиши (Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Мўғул империяси, Темурийлар давлати);

IV давр – Буюк ипак йўли фаолиятининг тугаши ва Чой йўлининг “қайта туғилиши” даври, денгиз Чой йўлининг Европага ва Америка қитъасига тарқалиши (XVI-XIX аср ўрталари);

V давр – Хитой, Россия ва Ҳиндистонни боғлайдиган чой савдосининг ривожланиши, шунингдек, қуруқлик Чой йўли инқирозининг бошланиши (XIX аср ўрталари – XX бошлари).

VI давр – Совет даврида ва мустақиллик йилларида Ўзбекистонда чой ишлаб чиқариш саноатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Шундай қилиб, мил. ав. I асрдан – XV асрларгача Чой йўли Буюк Ипак йўли йўллари тизимида мавжуд бўлган. Фақат XVI асрга келиб, у мустақил ишлай бошлади ва XIX асрда ўз чўққисига чиқади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўрта асрларда Марказий Осиё худудида Чой йўли”** деб номланиб, унда Ўзбекистон тарихида чойнинг ўрни, XVIII-XIX асрларда чойнинг Марказий Осиё бозорларига кириб келиши ва чой савдосининг фаоллашув тарихига бағишланган.

“Ўзбекистон тарихида чой” номли биринчи параграфда савдогарлар, шу жумладан, уйғурлар Хитойдан чой сотиб олиб, уни отларга айирбошланганлиги таъкидланган. Сомонийлар сулоласи даврида Марказий Осиёдан келган савдогарлар катта миқдорда чой сотиб олишган, чунки отлар фақат чойга айирбошланган. Мўғуллар босқини туфайли Марказий Осиё билан чой савдоси умуман тўхтаб қолади. Амир Темур ва Темурийлар даврида чой савдоси янада жонланиб, чой Хитойнинг Марказий Осиёга экспортининг асосий маҳсулотига айланди.

Чой ҳақидаги биринчи қайдлар А.Олеарий, Ф.Ефремов, Ф.Назаров, Д.Мейендорф, А.Бернс, А.Вамбери, П.И.Неболсин, И.Л.Яворский, Э.С.Волфсон каби европалик саёхатчиларнинг эсдаликларида учрайди.

XIX асрда Қошғарда Марказий Осиё аҳолиси учун асосан чойнинг 6 нави сотилган: яшил, себет, фу, қианг-лианг (от боши), жойноқ ва байховий (қора) чой. Кўк чойнинг қуйидаги навлари ичилган: алмура, алмура-шиби, лўнка, кумуш лўнка, навгизур, қирқма, шиббағлу, аччиқ шиббағлу, шивин, ит калласи, бёнге, пошун, тунтей, пари, патта, оқ чой, дехра, гура чой, ойзинч-оқ қуйрук

чай, кейпек. Себет чайларидан мушук кўз, ресма навлари ишлатилган ва асосан, қамишдан ясалсан (оғирлиги икки пудгача бўлган) қутиларда олиб келинган. Фу (пу) чай майдалаб тўртбурчак плитка қилиб маҳкам қоғоз картонга ёпиштирилган ғиштли чай ҳисобланган. От бош шувоқли чай бўлиб, Қошғарда сианг-лианг чай деб аталган, оғирлиги 2 пуд 6 ёки 8 фунтли узун цилиндрсимон қутиларда олиб келинган. Жайноқ чай Қошғардан Марказий Осиё аҳолиси учун сотилган бўлиб, цилиндрсимон қутиларда (оғирлиги 9 фунтли) олиб келинган. Қора (памил, байховий) чайнинг қуйидаги турлари ичилган: тилан (келами), эроний, аскарый.

Бу навларнинг барчаси жуда қиммат бўлиб, Туркистон аҳолиси уларни ҳар доим ҳам сотиб ололмаган, кейин улар қуйидаги чай суррогат (чай ўрнини босувчи ўсимлик)лардан фойдаланганлар: тўқай чай, толбарг чай, сариқ чай, кипек чай, ҳашак чай, чалма чай, қалампир чай, қараған чай, суда чай, Кавказ брус барги, тош чай, Туйтепа чай, райҳон чай, Кутаиси чайи²⁴.

Марказий Осиёда биринчи чайхоналар карвонсарой ҳамда сардобалар ёнида жойлашган бўлиб, улар замонавий меҳмонхоналарнинг тўлақонли кўриниши бўлиб, харидорлар асосан чай дамлаб берилган бўлса, кўшимча хизматлар – овқатланиш, тунаб қолиш учун жой вазифасини ҳам бажарган. Маҳаллий аҳоли учун чай нархи жуда қиммат маҳсулот бўлганлиги сабабли улар чайхоналарга бир марта ёки икки марта чай дамлаш учун пул тўлаб, чай ичишган. Аммо бухороликлар ўзлари билан қуруқ чайни олиб юриб, фақат дамланилган қайноқ сув учун ҳақ тўлаганлар. Чайхоналарда бутун бир одамлар гуруҳига чайнак ва битта пиёла олиб келинганки, чайни ёши энг кичиги қайтариб, битта пиёла орқали энг биринчи уларнинг ёши улуғига, кейин ёшига қараб бошқаларга бирма-бир узатган. Чайхоналарда сув қайнатиш учун қумғон (чайдиш, чайидиш)лардан фойдаланилган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг самоварлар чайхоналарнинг асосий буюмига айландики, ҳатто ҳозирги кунгача Фарғона водийсида чайхоналар “самовар” деб аталади.

Марказий Осиёда биринчи чайхоналар, одатда, карвонсаройлар ва сардобалар ёнида жойлашган бўлиб, улар замонавий меҳмонхоналар бўлиб, у ерда харидорларга асосан чай, кечки овқат тайёрланган, шунингдек, ухлаш жойи сифатида хизмат қилган. Маҳаллий аҳоли учун чай нархи жуда қиммат бўлгани сабабли улар кўпинча қуруқ чайни олиб, фақат қайноқ сув учун пул тўлашарди. Чайхоналарда бутун бир гуруҳ одамларга чайнак ва битта пиёла олиб келинган, улардан кичиги чай дамлаб, аввал ёши улуғига, кейин ёшига қараб бошқаларига хизмат қилган. Чайхоналарда сувни қайнатиш учун мис қумғонлар (чайдиш, чайидиш) ишлатилган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин самоварлар чайхоналарда асосий нарсага айланди, ҳатто ҳозир ҳам Фарғона водийсидаги чайхоналар баъзан “самовар” деб аталади.

²⁴ Ўзбекистон Миллий архиви, ф. И-19, оп. 1, д. 24354, в.17-19; Ўз МА, ф. И-17, оп. 1., д. 14946, в. 10-11; 25; Ўз МА, ф. И-19, оп. 1., д. 2710, в. 3.

XIX асрнинг охирида Туркистон ўлкасининг мустамлакачилик маъмурияти, генерал-губернатор К.Романовский томонидан Туркистон ўлкасида чой кўчатларини етиштиришга ҳаракат қилинган. Чой кўчатини ўстиришга қаратилган бу уринишлар бир неча сабабларга кўра, хусусан, Туркистоннинг тупроғи ва иқлими мос келмаганлиги, шунингдек, чой уруғлари ташиб келтириш пайтида жуда катта зарар кўргани учун муваффақиятсиз тугаган²⁵.

Шундай қилиб, чой Марказий Осиё аҳолисининг севимли миллий ичимликка айланди. Мамалакатнинг кўпчилик маҳаллий аҳолиси жуда қимматлиги сабабли чой ўрнини босувчи турли ўсимликлардан чой дамлаб ичган.

Иккинчи параграф “XVIII-XIX асрларда Марказий Осиё бозорларида чой савдоси”да Марказий Осиёнинг чой бозорларини ўрганар эканмиз, минтақада ушбу савдонинг энг муҳим шахри Бухоро, шунингдек, амирликнинг бошқа шаҳарлари эканлиги аниқланди. Растеи-Чойфуруш гумбазли савдо биносида чой савдогарларининг бозорлари жойлашган бўлиб, уларнинг расталари 40-50 дўконлардан иборат бўлган ҳамда шаҳарнинг турли ҳудудларида жами 100 яқин эди²⁶.

XIX асрда Бухорода 16 турдаги чой ишлатилган, масалан: қирқма, ахбар, оқ куйрук, қора чой, сепет чой, шибәғлу, аччиқ шибәғлу, шивин, ит калласи, бёнге, пошун, пу-чой (фу-чай), тунтей, гулбўй, мушуккўз, лунка²⁷.

Манбаларда таъкидланишича, Марказий Осиёдаги барча халқлар орасида, шубҳасиз, бухороликлар савдо-сотикда энг тадбиркор кишилар бўлган ҳамда саёҳатчиларнинг кўрсатмаларига кўра, Туркистон чой савдоси уларнинг тасарруфида бўлган. Ҳатто Хива ва Кўкон хонлиги савдогарлари ҳам уларнинг хизматидан фойдаланишга мажбур бўлишган²⁸.

XIX-XX асрларда чой, асосан, Хитойдан олиб келтирилган, шунингдек, чой савдоси Афғонистон билан ҳам боғлиқ бўлган бўлиб, афғон савдогарлари Пешовар орқали Ҳиндистондан келадиган чой савдосини ўз қўлларида ушлаб турганлар. Афғон савдогарлари одатда улгуржи савдони амалга оширганлар, шунингдек, Бухорода йирик Пешовар чой компанияларининг котиблари ҳам фаолият юритган бўлиб, 1890-йилларнинг ўрталарида Бухорода 23 та Пешовар чой агентликлари мавжуд эди. Чойни улардан Бухоронинг йирик чой савдогарлари чой-боло (сўзма-сўз айтганда, юқори навли чой) сотиб олган. Бухорода чой савдоси аввалги аҳамиятини йўқотганда ва бошқа товарлар сотишга ўтиш анча фойдали бўлганида, кўплаб бухоролик тижоратчилар шакар ёки унинг кукуни, шунингдек, пахта сотиш билан ҳам шуғуллана бошладилар.

²⁵ Ўз МА, ф. И-1, оп. 29., д. 971, в. 4-5-17-18.

²⁶ Сухарева О.А. Бухара XIX – начало XX в. (Позднефеодальный город и его населения). – М.: «Наука», 1966. – С. 48.

²⁷ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Изд. А.И.Мамонтова, 1874. – С. 158.

²⁸ Проект устава товарищества для развития торговли с Средней Азией. Сост. С.Хрулев. – С.П.: Тип. Главного артиллерийского управления, 1863. – С. 18.

Хивага ташриф буюрган саёхатчилар чойни карвонсаройларда сотилганлигини эслатиб ўтишган. Хива савдогарлари зиғир матоси ва бошқа товарларни Бухорога олиб бориб, у ердан чой ва бошқа Бухоро маҳсулотларини сотиб олганлар.

Чойнинг олис Хивада секин тарқалиши табиийдир, чунки у Қошғардан Бухоро орқали ўтадиган карвонлар орқали қийинчилик билан етказилиши янада қимматроқ сотишни талаб қилган, шу сабабли ҳам кўпчилик хиваликлар учун фойдасиз бўлган.

Чой Қўқон хонлиги аҳолиси орасида машҳур ичимлик бўлиб, уни Хитойнинг ички вилоятлари ва Шинжондан олиб келинган. Ушбу савдода Қўқон савдогарлари таржимон ва воситачи ролини ўйнаган.

1759 йилда Эрдона бий билан учрашиш учун Қўқонга келган Хитой элчиси императорнинг совғаси сифатида хитой ипаги ва чойини совға қилади²⁹. Қўқон савдогарлари Россия империяси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига хитой чойини тарқатишда асосий ўринда турган.

XIX асрда Россия Шарқий Туркистон билан чой сотиб олишда Марказий Осиё шаҳарлари, шу жумладан, Тошкент ва унинг савдогарлари воситачилигига муурожаат қилган. Тошкент савдогарлари Қошғардан қора чой, гиштли чой, кўк чой ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиб, Ямишев ва Семипалатинск қалъалари орқали Сибирга олиб боришган³⁰. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкасида чой ва ипак савдосини Россия империясининг мустамлакачилик маъмуриятини фаоллаштиришга ҳаракат қилган. 1870 йилда Тошкентда ташкил этилган Ярмарка кўмитаси ҳисоботларида кўриниб турганидек, Тошкентга келган карвонлар катта миқдордаги чой олиб келишган ва шу билан бирга саноат маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга чой жанубий мамлакатларга чиқарилган.

Батумидан Транс-Каспий темир йўли бўйлаб транзит йўлининг очилиши Марказий Осиёдаги чой савдо марказларига ҳам таъсир кўрсатган. Бу савдода 1894 йилгача Бухоро асосий роль ўйнаган. 1896-1898 йилларда чой савдо маркази Самарқандга кўчган³¹. Бу ерда чой фирмаларининг: Ака-ука Поповлар, Кузнецов, Вогау ва К⁰, Ризаев (форс савдогари), Переваловларнинг улгуржи омборлари ишлаган.

Шундай қилиб, Марказий Осиёга чой мил.ав. I асрдан тарқала бошланди. Аммо чой қимматлиги ва камёблиги сабабли фақат XVIII-XIX асрлардагина оммавий равишда кенг истеъмол қилинган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан чой Россия империясининг Туркистонга киритилаётган асосий маҳсулотига айланиб, улгуржи бозорда сотилган.

²⁹ Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии (вторая половина XVIII – первое полохина XIX вв.). – Новосибирск: Сибирскоеотделение, 1983. – С. 56.

³⁰ Юнусходжаева М.Ю. Роль Ташкента в торговле России и Восточного Туркестана во второй половине XVIII в. // Позднефеодальный город Средней Азии. / Под ред. Мукминовой Р.Г. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 137.

³¹ Сапарова Д.Ч. Влияние Закаспийской железной дороги на развитие русско-иранских торговых связей (90-е гг. XIX в.). – Ашкбад, 1991. – С. 62.

Учинчи боб, “**XX-XXI асрларда Ўзбекистонда чой саноатининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи**”да Совет ҳокимияти йилларида ва мустақиллик даврида Ўзбекистонда чой маҳсулотларини сотилиши ва ишлаб чиқарилиши истиқболларини ўрганишга бағишланган.

Биринчи параграф, “*XX асрда Ўзбекистонда чой саноати маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши*”да Совет даврида республикамиздаги чой маҳсулотини ишлаб чиқарувчи фабрика ва заводлар фаолияти архив материаллари асосида ёритилган. 1917-1924 йилларда, яъни Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида чой мавқеининг қайта тикланиши юз берди, чунки спиртли ичимликлардан фойдаланиш расман тақиқланган эди, аммо айна пайтда аскарлар ва саноат корхоналарининг ишчилари чой билан бепул таъминлангандилар. Шу билан бирга, Туркистон бу йилларда “чой инқирози”ни бошдан кечирди, чунки Биринчи жаҳон уруши туфайли бу хом ашёни Туркистонга етказиб бериш тўхтатилган эди.

Чой инқирозини юмшатиш мақсадида Россия Марказий Иттифоқининг Туркистон бўлими 1919 йилда аҳолининг энг қашшоқ қатламлари учун арзон нархдаги мевали чой ишлаб чиқаришни ташкил қилди³², бунинг учун Тошкентнинг Қорасув туманида Марказ томонидан тақдим этилган мевалардан чой тайёрлаш мақсадида завод қурилди. Ичимлик жиҳатидан “Мевали чой” чойдан паст эмас эди, аксинча, хитой чойларининг озуқавий хусусиятларидан ҳам ошиб кетганди, 1920 йилда энг катта мевали чой ишлаб чиқариш Туркистоннинг қуйидаги шаҳарларида амалга оширилган: Тошкент, Самарқанд ва Қўқон³³.

1920 йил 23 январда Туркистон Республикаси чой саноатини бошқариш кўмитаси – “Туркчой” ташкил этилиб, унга чой саноатининг барча ишларини ривожлантириш, тартибга солиш ва умумий бошқариш топширилган. Унинг асосий вазифаси Тошкентда янги йирик чой фабрикасини ташкил этиш ва барча кичик хунармандчилик тармоқларини тугатиш эди³⁴.

1920 йилгача Самарқандда 17 та чой қадоқлаш маркази мавжуд эди. 1920 йил 16 августда бўлиб ўтган Халқ хўжалиги Марказий Кенгаши Президиумининг мажлисида Самарқанддаги Вогау заводи миллийлаштирилган ва чой ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун уни марказий савдо ташкилоти – Центросоюзга вақтинча ишлатиш учун – заводнинг бир қисмини тақдим этиш билан уни Самарқанд вилоят халқ хўжалиги кенгаши (Облсовнархоз) тасарруфига ўтказилган.

1921 йил 7 мартда Туркистон озиқ-овқат бўлими (Туркпищеотдел)нинг чой ишлаб чиқариш тўғрисидаги ҳисоботида кўра, Қўқон, Самарқанд, Верний ва Тошкентда умумий ишлаб чиқариш қуввати 3 миллион фунтгача бўлган чой заводлари мавжуд бўлган.

³² Ўз МА, ф. Р-27, оп. 1, д. 128, в. 33, 34, 34 об.

³³ Ўз МА, ф. Р-25, Оп.1, д. 353, в. 193, 193 об.

³⁴ Ўз МА, ф. Р-25, оп.1, д. 353, в. 195

Бутуниттифоқ чой хўжалиги илмий-текшириш институти 1933 йилда Марказий Осиёда чой ўстириш ишлари билан шуғуллана бошлаган ҳамда Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистонда тажриба участкалари ташкил этилган. Бироқ 1934 йилга чой кўчатлари тупроқ ва иқлим шароитларини ҳисобга олинмаганлиги сабабли нобуд бўлган³⁵.

1935 йилда Самарқанд шаҳрида чой қадоқлаш заводи қурилиши бошланиб, унинг ишлаб чиқариш биноси фақат 1938 йилдагина қуриб битказилган. 1939 йилда биринчи чой қадоқлаш ускунаси келтирилган. 1942 йилда Москва чой қадоқлаш заводи Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасига кўчирилиб, ишлаб чиқариш фаолияти бирлаштирилган. Амалдаги Самарқанд заводининг қуввати олиб келинган асбоб-ускуналар ҳисобига икки бараварга оширилган ва у бутун СССРни чой маҳсулоти билан таъминлаш учун ишлаган³⁶.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида тошкентликларнинг озиқ-овқати сезиларли даражада қашшоқлашади ва чой суррогатлар билан тўлдирилиб, қуритилган мевалар (олма) куруқ чой сифатида ишлатилади³⁷.

1947 йилдан бошлаб академик Р.Р. Шредер номидаги Мева-сабзавотчилик илмий текшириш институти чой ўсимлиги устида тадқиқот ишларини олиб борди. Чой ўсимлиги уч вилоятда: Паркент ҳудудида (Паркент тоғларида), Самарқанд вилоятининг Омонқўтон тоғ ўрмонларида ва Сурхондарё вилоятининг Тўпаланг дарёси этакларида ўстирила бошланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси чой ўсимлигини ўстириш учун талабга жавоб бердиган ҳудудларни танлаш вазифасини қўйди ва академик Р.Р. Шредер номидаги Мева-сабзавотчилик институти ва Тупроқшунослик институти ходимлари томонидан махсус комплекс экспедиция ташкил қилинди. 1950 йилда бу экспедиция Ўзбекистон ССРнинг икки тоғ ҳудуди, Тўпаланг дарёси ҳавзасида ва Оққўрғон тоғлари (Самарқанд вилояти)даги тупроқни текшириш бўйича текшириш ўтказди.

1951-1954 йиллардаги Ўзбекистонда чой ўсимлигини ўстириш ва чой етиштириш устидаги тажрибалар шунини кўрсатдики, Краснодар ва Озарбайжон чойларини оммалаштириш ижобий натижалар берган, аммо Грузия чойини ўстириш бирмунча самарасиз бўлган³⁸.

1970-1980 йилларда Ўзбекистонда хинд чойи танқислиги мамлакатдаги иқтисодий инқироз сабабли вужудга келади³⁹.

Шундай қилиб, ўтган асрнинг 20-йилларида йирик чой ишлаб чиқариш корхонаси Тошкент, Самарқанд, Кўконда мавжуд бўлиб, 1935-1938 йилларда Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси қурилди ва бутун Марказий Осиёни республикаларни чой билан таъминлай бошлайди.

³⁵ Қорабоев Х. Ўзбекистонда чой. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК бирлашган нашриёти, 1968. – Б. 3.

³⁶ Ўз МА, ф. Р-1970, оп. 4, д. 2023, л. 18.

³⁷ Зунунова Г.Ш. Материальная культура узбеков: трансформация традиций (XX – начало XXI в.). – Ташкент: «Extremum-press», 2013. – С. 228.

³⁸ Қорабоев Х. Ўзбекистонда чой. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК бирлашган нашриёти, 1968. – Б. 6.

³⁹ Зунунова Г.Ш. Материальная культура узбеков: трансформация традиций (XX – начало XXI в.). – Ташкент: «Extremum-press», 2013. – С. 228.

Иккинчи параграф, “*Мустақил Ўзбекистонда чой саноатининг ривожланиши истиқболлари*”да истиқлол даврида Ўзбекистондаги чой саноатини ўрганиб, ҳукуматимизнинг чой етиштириш ва ишлаб чиқариш борасидаги ҳаракатларини тавсифлайди.

1990 йилларнинг охирида Ўзбекистон Республикасининг барча йирик саноат корхоналари ва фабрикалари қийин аҳволга тушиб қолганлар. Иқтисодий инқироз, чой хом ашёсининг етишмаслиги ва баъзида тайёр маҳсулот харидорларининг камлиги чой саноати учун жиддий муаммага айланди. Шунингдек, ишлаб чиқариш технологиялари эскирган эди ва уларни янгилашга эҳтиёж кучайган эди.

2005 йилда Ўзбекистонга чой импорти тўғрисида бир қатор маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, шу йилдан бошлаб Республикага чой хом ашёсини олиб кириш фақат қадоклаш асбоб-ускуналарига эга бўлган юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилди. Шунингдек, уларда 2005 йил 1 апрелдан чакана савдо тармоғида чойни оммавий равишда сотиш тақиқланди⁴⁰.

Бугунги кунда қадокланган чой ишлаб чиқариш республиканинг барча ҳудудларида сезиларли даражада ошди. “AMIR”, “Toza”, “Best Tea”, “Alokazay”, “Impira”, “Lipton”, “Тошкент чой”, “Tudor”, “Ahmad Tea” кабилар Ўзбекистон бозорларида харидоргир ҳисобланади.

2016 йилда “Euromonitor International” халқаро ташкилоти дунёнинг турли мамлакатларида чой ва қаҳвани истеъмол қилишдаги афзалликларни ўрганиб чиқди, мазкур ташкилот маълумотларига кўра, Ўзбекистон чойни бошқа машҳур ичимлик – кофега нисбатан афзал кўрган мамлакатлар рўйхатида биринчи ўринни (99,6%) эгаллади⁴¹.

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чой ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳолини юқори сифатли чой ва маҳаллий ишлаб чиқариш чой маҳсулотлари билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги янги қарори қабул қилинди, унда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, импорт ҳажмини қисқартириш, чой етиштириш ва чой маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқаришнинг юқори сифатли чой ва чой маҳсулотлари билан таъминлаш каби масалалар баён этилган⁴².

Чунончи, чой етиштиришни амалга ошириш учун илмий муассасалар, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар иштирокида масъулияти чекланган

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд чой қадоклаш заводини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №15-сон Қарори. 2005 йил 1 январь.

⁴¹ Tea or coffee? A map of the world according to who prefers which of each drink. URL:<https://www.euromonitor.com> (мурожаат қилинган сана 29.11.2020).

⁴² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чой етиштиришни ташкил этиш ва аҳолини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли чой ҳамда чой маҳсулоти билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 490-сон Қарори. 2018 йил 30 июнь.

жамият шаклида чой ишлаб чиқаришни ривожлантириш илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди. Марказ 2018 йилда хитойлик шериклар билан биргаликда шакллантирилган⁴³.

Ўзбекистонда чой ичишнинг ўзига хос таомиллари ва минтақа бўйича фарқ қилувчи этнолокал жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, “Келин кўлидан чой ичиш”, “келин оши” ёки “келин салом” – ўзбекларнинг дилтортар маросимларидан бири ҳисобланади. Бу асосан, никоҳ тўйдан кейин ўтказилади. Турмуш қурган ёш жуфтлик бошқа қариндошлари билан биргаликда куёвнинг хонадонига йиғилишиб, ёш куёв-келини табриклашади ва келинининг кўлидан бир пиёла чой ичишади. Ўзбекларнинг яна бир қизиқ одати шундаки, улар кўчада бирон бир таниши ёки дўсти билан учрашганда, улар доимо: “чой ичамиз”, “чойлашамиз”, “бир пиёла чой ичиб кетинг”, “чойга борайлик” дея таклиф қилишади, таниши эса вақти бўлса чой ичади ёки “бошқа сафар” деб илтифот билан жавоб беради. Кўриниб турибдики, ўтмишимизда чой билан боғлиқ кўплаб қадриятлар мавжудки, у алоҳида чой ичишни талаб қилади.

Ўзбек халқининг миллий ва тарихий анъаналарини инобатга олган ҳолда, 2018 йил 30 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тасдиқланган қарорига мувофиқ август ойининг ҳар биринчи якшанбаси чой байрами сифатида нишонланади⁴⁴.

Шундай қилиб, XX-XXI асрлар халқимизни юқори сифатли маҳаллий чой билан таъминлаш учун Ўзбекистонда ўз чой саноатининг ташкил этилиши билан ажралиб туради.

ХУЛОСА

Ўзбекистон халқлари тарихида чой ва Чой йўлини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Чой мил. ав. III минйилликда Хитойда пайдо бўлган ва кейинги минг йиллар давомида бутун дунёга тарқалди ҳамда Осиё ва Европанинг бир қатор мамлакатларида миллий ичимлик мақомини олди. Дастлаб чой диний маросим ва даволовчи восита сифатида ишлатилган. Милодий III асрдан бошлаб чой мастлик ва унинг зарарли таъсирини даволовчи машхур воситасига айланди. IV-V асрларда хитойликлар чойни сувда қайнатишни бошладилар. Тан сулоласи императорлари даврида у кўшни мамлакатларга (Тибет, Ҳиндистон, Япония, Корея) тарқалди. XVI асрдан сўнг сув йўли орқали чой Европа ва Америкага тарқалади;

2. Милоддан аввалги I асрдан бошлаб сўғдлар чойни дори сифатида олиб Чой йўли бўйлаб Марказий Осиёга олиб кирдилар. Буюк ипак йўлининг бир қисми бўлган Чой йўли, кўшни мамлакатларда чой ичиш маданиятининг

⁴³ Choy yetishtirishni rivojlantirish ilmiy-ishlab chiqarish markazi. URL: <https://bmb-tg.uz> (мурожаат қилинган сана 10.08.2020).

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чой етиштиришни ташкил этиш ва аҳолини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли чой ҳамда чой махсулоти билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 490-сон Қарори. 2018 йил 30 июнь.

тарқалишида муҳим роль ўйнади, лекин XVI асрдан Жанубий, Шимолий, Ғарбий ва Марказий Осиёни Шарқий Осиё билан боғлайдиган мустақил савдо йўли сифатида ривожланди. Бу йўлнинг марказида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон жойлашганди. Чой карвонлари Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива орқали ўтиб, Россия, Эрон ва Ҳиндистон томон йўл олган;

3. Тадқиқотда Чой йўлининг қуйидаги даврлаштириш таклиф қилинди:

– биринчи давр (милоддан аввалги I аср – милодий VI аср) – чой савдосининг биринчи давлатлараро йўлларнинг пайдо бўлиши ва Марказий Осиёда чойнинг тарқалиши;

– иккинчи давр (VII-IX асрлар) – Осиё қитъасида, хусусан, Тибет, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Марказий Осиё, Япония ва Кореяда фаол чой савдоси алоқаларининг тикланиши;

– учинчи давр (X-XVI аср бошлари) – йирик марказлашган давлатларнинг яратилиши ва ривожланиши даврида Хитойнинг Марказий Осиё билан чой савдосини жадал ривожлантириш даврининг бошланиши (Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Мўғул империяси, Темурийлар давлати);

– тўртинчи давр (XVI-XIX аср ўрталари) – Буюк ипак йўлининг тугатилиши ҳамда куруклик ва денгиз Чой йўлининг “қайта туғилиши”;

– бешинчи давр (XIX асрнинг ўрталари – XX асрнинг бошлари) – Хитой, Россия ва Ҳиндистонни боғловчи Чой йўлидан фойдаланилиши ҳамда унинг инқирозини бошланишидан иборат;

– олтинчи давр (XX-XXI асрлар) – Совет даврида ва мустақиллик йилларида Ўзбекистонда чой ишлаб чиқариш саноатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

4. Чой Ўрта асрларда бошқа товарлар қаторида Хитойдан карвонлар билан Марказий Осиёга олиб келинган. У камдан-кам ҳолларда савдогарлар, элчилар томонидан олиб келинган ва Марказий Осиё халқлари ҳаётида муҳим роль ўйнамаган. XIX асрда Марказий Осиё ҳудудида чойнинг 6 хил нави ишлатилган, жумладан: кўк, себет (қамишдан ясалган кутилардаги чой), фу (ғиштли чой), от бош (сянг-лианг, шувоқли чой) ва қора (памил, байховий), жайноқ чой (цилиндрсимон идишларда). Чойларнинг нархи юқори бўлганлиги сабабли, маҳаллий аҳоли уларни сотиб ололмаган ва қуйидаги чой суррогат (чой ўрнини босувчи ўсимлик)ларидан фойдаланишган: тўқай чой, толбарг чой, сарик чой, кипек чой, ҳашак чой, чалма чой, қалампир чой, қараған чой, суда чой, Кавказ брус барги, тош чой, Туйтепа чой, райхон чой, Кутаиси чойи;

5. Чой бозорлари Ўзбекистон ҳудудида, биринчи навбатда хонликларнинг марказий шаҳарлари: Хива, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон қабилаарда жойлашган эди. Транскаспий темир йўлининг қурилиши муносабати билан чой савдо марказлари ўзгарди. Тошкент, Самарқанд улгуржи чой савдо марказларига айланди. XIX асрларда чой аллақачон миллий ичимликка айланиб бориб, “миллий ичимлик” мақомини олди;

6. 1919 йилдан бошлаб чой савдоси Умумроссия – Марказий чой бошқармаси (Центрочай)га бўйсунувчи “Бошчой” («Главчай»)га бирлаштирилди. 1920 йилда Туркистон Республикасида чой саноатини бошқариш кўмитаси – “Туркчой” («Туркчай») Халқ хўжалиги Марказий Кенгашида (ХХМК) ташкил этилиб, чой саноатининг барча ишларини ривожлантириш, тартибга солиш ва умумий бошқариш учун масъул ҳисобланган. Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан сўнг “Туркчой”, “Чой бошқармаси” («Чаеуправления») деб ўзгартирилди. 1935-1938 йилларда Самарқанд чой қадоклаш заводи курилиб, у бутун Марказий Осиёни сифатли маҳсулот билан таъминлай бошлаган. 1939 йилдагина биринчи чой қадоклаш ускунаси келтирилган, унга заводда ҳамма кўлда ишлаган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Москва чой қадоклаш заводи Самарқанд шаҳрига эвакуация қилинган. Самарқанд чой қадоклаш заводи икки баравар қувват билан ишлай бошлаган ва бутун Иттифоқни кўк ва қора чой билан таъминлаган. 1951-1954 йиллардаги чой ўсимлигини етиштириш устидаги тажрибалар шуни кўрсатдики, Краснодар ва Озарбайжон чойларини оммалаштириш ижобий натижа берган бўлсада, аммо Грузия чойини ўстириш самарасиз бўлган. 1991 йилга қадар Самарқанд чой қадоклаш фабрикаси Марказий Осиёдаги ягона фабрикада қолган ва собиқ СССРнинг барча беш республикасини ҳар хил чой билан таъминлаган;

7. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти чой ишлаб чиқаришни, хусусан, янги ускуналар, савдо сармоялари ва бошқа ҳамкорларни диверсификация қилиш бўйича аниқ амалий чоралар кўрди. Мамлакатимизнинг тўртта вилоятида (Тошкент, Жиззах, Навоий, Сурхондарё) чой экиш бошланди ва 2025 йилдан бошлаб ўзбек миллий чойи хорижга экспорт қилиш йўлга қўйилади.

Тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги ўзбек чойининг этномаданий анъаналарини оммалаштириш ва асраб-авайлаш бўйича мақсадли ишларни амалга ошириши, хусусан, “Чой йўли Осиёда: тарихи ва туризмдаги истиқболлари” мавзусида Халқаро фестивал ўтказишни ташкиллаштириш;

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, ЮНЕСКО, ШХТ, Туркий давлатлар иттифоқи кенгаши билан ҳамкорликда Евроосиё маконида Чой йўлининг маршрутларини ўрганиш “Евроосиё халқлари ҳаётидаги чой ва Чой йўли” илмий монографияси ва Чой йўлининг 3D харитасини яратиш мақсадида илмий лойиҳа ташкиллаштириш;

3. ЮНЕСКО кўмагида Халқаро конференция ўтказиш ва чойхоналарнинг тарихи, маданияти, меъморий хусусиятлари, этнографик аҳамиятига бағишланган “Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон, Туркменистон, Россия, Озарбайжон чойхоналари” илмий материаллар тўпламини нашр этиш;

4. Ўзбекистон тарихи музейи, ўлкашунослик музейларида доимий ва кўчма (чет элда намойиш қилиш учун) “Ўзбек чойи тарихи”, “Ўзбек чойи ичиш маданияти” кўргазмаларини ишлаб чиқиш;

5. Чойнинг кўп асрлик тарихига асосланиб ва унинг Ўзбекистон халқларининг ижтимоий, кундалик ва маданий ҳаётидаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда, “Ўзбекистон тарихи” телеканалида чой тарихи, Чой йўли, чой маросимларига бағишланган кўплаб дастурларни суратга олишни тавсия этиш.

**SCIENTIFIC COUNCIL PhD. 03/.27.02.2021.Tar.70.05
ON AWARDING THE SCIENTIFIC DEGREES UNDER
KARSHI STATE UNIVERSITY**

KARSHI STATE UNIVERSITYT

MAMATOVA MAHFUZA BAHRIDDINOVNA

**TEA AND THE TEA ROAD IN HISTORY OF THE PEOPLES OF
UZBEKISTAN
(1st century BC – XXI AD)**

07.00.01 - History of Uzbekistan

**DISSERTATION
abstract of the doctor of philosophy (PhD) on historical sciences**

Karshi-2021

The theme of the doctoral thesis (PhD) was registered by the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under № B 2018.3. PhD/Tar. 318.

The dissertation has been carried out at Karshi State University.

The abstract of the dissertation was posted in three languages (Uzbek, Russian, English (resume)) on the website of the Scientific Council at www.qarshidu.uz and on the website "ZiyoNet" information and Educational portal at www.ziyounet.uz.

Scientific Supervisor:

Kobzeva Olga Petrovna

doctor of historical sciences, Associate professor

Official opponents:

Agzamova Gulchehra Azizovna

doctor of historical sciences, professor

Xushvakov Nabi Olimovich

candidate of historical sciences

Lead organization:

Tashkent State Pedagogical University

The defense of the dissertation will be held on "17" 11 2021 at 10⁰⁰ at the meeting of the Scientific Council number PhD.03/27.02.2021. Tar.70.05 on award of scientific degrees of Doctor of Philosophy (PhD) at Karshi State University (Address: 17, Kuchabag Street, Karshi). Tel.: (0 375) 225-34-13; Fax: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Karshi State University.

The doctoral dissertation (PhD) can be reviewed in the Information Resource Center of Karshi State University (registered under № 68). (Address: 17, Kuchabag Street, Karshi). Tel.: (0 375) 225-34-13; Fax: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

The abstract of dissertation was disturbed on "5" 11 2021
(Registry record № 68 dated "5" 11 2021).



B.J. Eshov

Chairman of the Scientific Council on awarding academic degrees, Doctor of historical sciences, professor

N.N. Rajabova

Scientific secretary of the Scientific Council on awarding the scientific degrees, Candidate of historical science, Associate professor

Yu.A. Ergasheva

Chairman of Scientific seminar under of Scientific Council on awarding the the scientific degrees, Doctor of historical sciences, professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

The aim of the research. The aim of the study is to study tea and the Tea Road in history of the peoples of Uzbekistan.

The object of the research is the history of tea and the Tea Road in Uzbekistan.

The scientific novelty of the research is as follows:

in the development of the economy and the convergence of cultures of different peoples on the Eurasian continent, during the periodization (consists of six periods) of the history of the Tea Route (I century BC – XXI AD) that tea was brought to Central Asia by the first Sogdian traders as a medicine have been based;

the Tea Road was originally part of the Great Silk Road, since the 16th century has become an independent trade road connecting South, North, Western, Central Asia with East Asia, where the cities of Uzbek khanates of Kokand, Tashkent, Samarkand became the center of operations in tea trade, Bukhara, Khiva, through which tea “caravans” passed heading to Russia, Iran and India, in the XVII-XIX centuries. on the territory of Uzbekistan, 6 different varieties of tea, as well as tea surrogates were used, the movement of wholesale tea trade centers from Khiva, Bukhara, Kokand to Tashkent and Samarkand was due to the construction of the Trans-Caspian railway, the development of the tea industry in these cities by the construction of the first factories (Vogau, Popovs) have been identified;

the creation of the organizations “Glavchay”, “Turkchay”, “Tea Administration” in the Soviet period, the construction of the Samarkand tea-packing factory (1938) contributed to the development of the tea industry in Central Asia, evacuated to Samarkand during the Second World War, the Moscow tea factory was launched into operation in a few months and began to produce 13 times more products, meeting the needs of the entire USSR with tea have been proved;

in the years of independence, the organization of tea cultivation in the Tashkent, Jizzakh, Navoi, Surkhandarya regions of the republic in order to reduce tea imports, provide a national tea product, organize the export of Uzbek tea, and spread local factories as a result of the tea crisis have been developed.

Implementation of research results. Based on the conclusions and proposals in the role of tea and the Tea Road in history of peoples of Uzbekistan:

originally part of the Great Silk Road since 16th century it has become an independent trade road connecting South, North, West Central Asia with East Asia, where the cities of Uzbek khanates became the center of intermediary operations in tea trade were widely used in the preparation of a booklet with a map “The Tea Road” in cooperation with the Associate of Gastronomic Tourism of Uzbekistan (Reference from the Association of Gastronomic Tourism of Uzbekistan № 87 as of April 21, 2021). This booklet has served to popularize the site gastrourism.uz for use by tourists visiting the gastronomic roads of Uzbekistan;

from the results of the establishment in the Soviet period of the tea organizations were used in the project I-56-10 / 37 – “Cultural heritage is the highest value” (2018-2019) in the (Reference from Kashkadarya regional branch of the International Amir Temur International Charitable Foundation № 31 as of May

17, 2021). As a result created an opportunity to highlight new and interesting information about the activities of Chaikhanas;

from the results of tea was first introduced by Central Sogdian traders as a medicine in Central Asia suggests that the Tea Road was an important trade road on the Eurasian continent for economic development and the rapprochement of different cultures were used in the “Hayrli kun” program on the TV channel of Uzbekistan history (Reference from the National TV and Radio Company Of the Republic of Uzbekistan “Uzbekistan history” № 01-14-462 as of March 4, 2020). As a result, the scientific materials in the programs served to expand the interest of audience about the history of tea, its significance in the life of our people, the history of Uzbek chaikhanas;

from the conclusions reached on the improvement of tea production in Uzbekistan during the years of independence were used in the writing of programs “Takdimot” of the TV channel of Uzbekistan history (Reference from the National TV and Radio Company of the Republic of Uzbekistan of Uzbekistan history № 02-10-226 as of February 16, 2021). From the practical proposals on the need to develop tourism under the brand “The Tea Road”, as well as practical proposals were given for the development of tea tourism as one of the types of gastronomic tourism in Uzbekistan.

The structure and the volume of the dissertation. The dissertation consists of introduction, three chapters, conclusion on each chapters, prologue and the list of used literature. The basic volume of dissertation includes 154 pages.

НАШР ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I қисм (часть I, I part)

1. Маматова М. Чай в истории народов Евразии. Монография (7 б.т.). – LAP LAMBERT Academic Publishing (ISBN: 978-620-3-04109-5).
2. Маматова М. Межгосударственные отношения России и Средней Азии и торговля чаем в XVI-XIX вв. // Очерки по истории государственности: политика, экономика, культура. Монография. – Ташкент: “Турон-Иқбол”, 2020. – С. 181-190.
3. Mamatova M. Central Asian tea culture along the Tea Road // Electronic Scientific Journal of “International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology”// India, Volume 9, Issue 4, April 2020. – P. 1414-1421 (07.00.01 №12 (Impact Factor)).
4. Mamatova M. The Tea Road: from China to Uzbekistan (7-15th centuries) // Psychology and education // 58(1) (2021). – P. 4913-4924.
5. Маматова М. “Ҳаёт олови” ичимлиги тарихи // “ҚарДУ хабарлари” Республика илмий-назарий, услубий журнали, 1-сон. – Қарши, 2018. – Б. 53-56 (07.00.01 №25).
6. Mamatova M. The history of tea that changed the world. // Electronic Journal of “Actual problems of modern science, education and training”. – 2019-1. Urgench, 2019. – P. 360-364 (07.00.01 №28).
7. Маматова М. Ёзма манбаларда чой тарихи. // “ҚарДУ хабарлари” Республика илмий-назарий, услубий журнали, Махсус сон. – Қарши, 2019. – Б. 80-83 (07.00.01 №25).
8. Маматова М. XIX-XX асрларда Туркистон бозорларидаги чойнинг умумий тавсифи. // Ўтмишга назар журнали. – Тошкент, 16 (2019). – Б. 55-60 (07.00.01 №41).
9. Маматова Махфуза. Чайный путь и бухарцы. // Мозийдан садо. – Ташкент, 2/2020 (86). – С. 24-27 (07.00.01 №3).
10. Маматова М. Ўзбекистонда чой: тарих ва ҳозирги замон. // Соҳибқирон юлдузи. – Қарши, 2021 (2). – Б. 57- 62 (07.00.01 №36).

II қисм (часть II, II part)

1. Маматова М. История чая в Средней Азии: известия путешественников и послов (вторая половина XIX – начало XX в.). // Материалы международной научно-практической интернет-конференции «Тенденции и перспективы вания в условиях глобализации науки и образования». – Переслав-Хмельницкий, 28 февраля 2019 года. – С. 79-82.
2. Маматова М. Роль истории появления чая в изучении истории. // Сборник научных статей «Избранные вопросы науки XXI века». – М., 2019, 1-часть. – С. 7-10.

3. Mamatova M. Humanitarian issue: Ceylon tea rich but nutrient poor. // Multidisciplinary approaches in solving modern problems of fundamental and applied sciences. Dedicated to the 75th anniversary of Azerbaijan National Academy of Sciences. – Baku, Azerbaijan. 03 – 06 March, 2020. – P. 436-437.

4. Маматова М. Чайная история Средней Азии. // I Международное книжное издание стран Содружества Независимых Государств «ЛУШЧИЙ МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ – 2020». – Туркестан. 10. Нурсултан, 2020. – С. 68-70.

5. Маматова М. «Чайный путь» в составе Великого шелкового пути. // Материалы 2-ой Международной конференции «Великий Шелковый путь – дорога мира, согласия и стабильности». – Туркестан, 2020. – С. 313-319.

6. Маматова М. Действия чая на организм человека. // Сборник научных трудов I международной научно-практической онлайн-конференции «Актуальные вопросы медицинской науки в XXI века». – Ташкент, 24 апреля 2019 года. – С. 240-245.

7. Маматова М. Чай – напиток, который связывает тесные отношения между людьми. // Материалы международной научно-практической конференции на тему «Достижения женщин в области науки, образования, культуры и инновационных технологий». – Джизак, 17-18 мая 2019 года. – С. 17-19.

8. Маматова М. Роль Чайного пути в истории Центральной Азии. // «Узбекистан и Центральная Азия в системе мировой цивилизации» материалы международной научной онлайн конференции, посвященной 50-летию Самаркандского института археологии Национального центра археологии Академии наук Республики Узбекистан и 85-летию академика А.Аскарова. – Самарканд, 2020. – С. 161-162.

9. Маматова М. История распространения чая в Китае и за его пределами. // “Ўзбекистон тарихи фани ва илмий тадқиқотлардаги инновацияларни ўқув жараёнига жорий этишни долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Қарши, 12 май 2019 йил. – Б. 191-192.

10. Маматова М. Японская чайная церемония и ее особенности. // “XXI асрда илм-фан тараққиётининг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг тутган ўрни” мавзусидаги Республика илмий 8-онлайн конференция материаллари. – Тошкент, 2019, 2-қисм. – Б. 104-107.

11. Маматова М. Чайная история Бухары. // “Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни” мавзусидаги Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 27-апрель 2020. – С. 71-74.

12. Маматова М. История чая и чайных сосудов в Узбекистане. // “Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар” мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 12-китоб, – Тошкент, 2020. – С. 96-103.

13. Маматова М. Ўзбекистон чойхоналари тарихи. // “Ижтимоий-гуманитар таълим ва ёшларни илмий тадқиқотга жалб этиш муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий аржуман материаллари. – Қарши, 2020. – С. 150-152.

Автореферат Қарши давлат университетининг “ҚарДУ хабарлари” илмий-назарий,
услубий журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилди (04.11.2021 йил).

Гувоҳнома № 14-061

05.11.2021. Босишга рухсат этилди.

Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 1/16.

“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т. 3.2. шартли б.т. 3,7.

Адади 60 нусха. Буюртма № 91

Қарши давлат университети
Кичик босмахонасида чоп этилди.